



НИЖЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 262 (18.739)

Чоршанба, 1983 йил 16 ноябрь

Баҳоси 3 тийин.

ҲАВО ОЧИҚ КЕЛГАН КУНЛАРНИНГ ҲАР ДАҚИҚАСИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК!

ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Партия ташкилотларидаги муҳим сиёсий кампания — ҳисобот ва саволлар янги босқичга қадам қўйишда. Район ва шаҳар партия конференциялари бошланмоқда. Коммунистлар, партия ташкилотлари ҳаётидаги бу масъулиятли паёла КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятлик амалга ошириш учун умулхалқ ҳаракати ниҳоятда кучайган, партия Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь, 1983 йил июнь Пленумлари кўрсатмалари бу ҳаракатга янги қўдратли куч бағишлаган бир вақтга тўғри келганини ниҳоятда характерлидир.

Коммунистлар ва барча меҳнатқиллар коммунистик бунёдкорлик ишларида зўр ғайрат ва жасорат кўрсатишлари, янги-янги ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқмоқдалар. Ун биринчи беш йиллик реалларни муваффақиятлик ҳал этишмоқда. Район ва шаҳар партия конференцияларида ун биринчи беш йилликнинг дастлабки үн йили яқинлари таҳлил қилинади, жойларда юзга келган янги тажрибалар умумлаштирилади. Утган йилларда ишлаб чиқаришнинг ўстириши ва меҳнат унумдорлигини оширишда катта натижа ва сифат ўзгаришлари бўлиб берди. Ун биринчи беш йилликнинг ҳар бири кунини барча жабҳаларда шонли ишлар билан яқунлашмоқда. Санаятчиликнинг дадил одими, пахтакорларнингизнинг ғалаба марраси томон яқинлашиб бораётганликлари ҳақида ҳушxabарлар келиб турибди. Бу, аввало, шаҳар ва район партия комитетлари актив фаолиятининг, партия иқтисодий сиёсати самарали амалга оширилаётганлигининг муносиб ҳосиласидир.

КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, шаҳар ва район партия комитетлари ўз фаолиятларининг усул ва усулларини сезиларли такомиллаштиришлари, ҳужаликка раҳбарлик самарадорлигини оширишлари, коммунистларнинг иқтисодий ҳаётдаги активлиги ва ишлаб чиқаришдаги авангардликни кучайтиришга катта аҳамият берилади. Ҳисобот даврида коммунистик дурришнинг актив бунёдкорларини тарбиялаш, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни кескин қайта қуриш йўлида эътибор олиб борилади. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленум қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг доклад ва нутқларида баён этилган йўл-йўриқлар бу ишчи кунайтиришда муҳим омилга айланди. Конференциялар арасида шу ишлар умумлаштирилиши, эришилган натижалар таққидий қараб чиқилиши керак.

Шу жиҳатдан Чортоқ районидан партия конференциясига қўрилаган тайёргарлик диққатга сазовордир. Бу ерда мазкур масала билан боғлиқ тадбирлар райоником пленуми ва буюр мажлисида афродичка муҳокама этилди. Конференциянинг пухта тайёргарлиги кўриб юксак ушшоқлик билан ўтказилишини таъминлаш шунга таърибали коммунистлар, партия, совет ва ҳужалик ходимлари жалб этилди. Район партия комитетининг ҳисобот доклады ва конференция резолюцияси лойиҳаларининг тайёрлаш комиссияси қизғин иш олиб бориюкда. Ҳисобот докладыда партиявий ишнинг барча соҳаларини кенг қамраб олиш мақсадига партия, совет, касаба союзу ва комсомол ходимлари билан бирга райоником ишлаб чиқаришда намуна кўрсатган обрў-этиборли коммунистларни ҳам иш олиб бориюкдалар. Райоником олдинги конференциясида билдирилган тақлиф ва мулоҳазаларнинг ижроси чуқур таҳлил этиб қўрилатилди. Бу билан район партия комитети фаолиятини юксак принципийлик ва активлик билан муҳокама қилиш, ҳолис, эркин фикр олишувларга кенг имкон яратиб, партиявий ишчи иқодиий иш даражасига кўтариш, олдинда турган вазифаларини бутун қўлама ва мураккаблиги билан аниқлаб олишга эришиш зарур.

Район, шаҳар партия комитетлари доимий шуғулланиши, партиявий таъсир кўрсатиши, ижро этилиши учун йўлланма бериш лозим бўлган масалалар ниҳоятда хилма-хил ва ранг-барангдир. Аграроивот бирлашмаларига партиявий раҳбарликни кучайтириш, жойларда бригада нудратини бериётган самараларини кенг таҳлил этиш ва оммалаштириш, илғор иш таъриббаларини умулхалқ айлантириш, миллионлар иқоди бўлган социалистик мусобақа кўдратидан самарали фойдаланиш, айна вақтда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш, партия, давлат ва меҳнат иттиҳоси масалалари конференция диққат-марказида туриши лозим. Камчилик ва нуқсонлар ҳақида очичасига, дадиллик билан гапириб чиқиш, дангас ва ишқисқарликни конкрет, номме-номга олиб ўттишда шикояткорлик кўрсатиш, аҳволин яқинлашга қаратилган фойдаланиш, амалий тақлифлар киритиш, айнаса зарур.

Партия конференциялари район ва шаҳар партия комитетлари фаолиятга талабчанлик билан, юксак партиявий позицияларда туриб ёндашиши лозим. Қимматли иш таъриббаларини умумлаштириш, камчиликларини рўй-рост очиб ташлаш ва ун бартараф этиш йўл-йўриқларини белгилаб олиш талаб этилади. Айна вақтда конференция делегатлари партия комитетларининг Озқ-оқват ва Энергетика программасини рў-бга чиқаришдаги ташкилотчилик, оммавий-сиёсий фаолиятга ўз муносабатларини билдиришлари керак. Шунинг унутмаслик керакики, партия комитетларининг идеологик, сиёсий-тарбиявий фаолиятга эдиликда меҳнат аҳлининг ишга қанчалик онгли, коммунистик муносабатда бўлаётганлиги қараб, ҳар бир иш жойига намуналик тартиб, ташаббускорлик ва иқодиорлик муҳити вужудга келганига қараб баҳо бериш керак.

Партия конференцияси қилинган ишларнинг сарҳисоби бўлибгина қолмай, ўн биринчи беш йилликнинг қолган муддатига ҳар бир шаҳар ва район партия ташкилотини олдига турган катта ишларнинг бошланғич ҳақиди. Унга мунор аввал этилган ҳар бир партия аъзоси ўртага қўйилган масала ва проблемалар таҳлилга ўзларини сафарбар деб ҳисоблашлари лозим. Ташкилот фаолиятда йўл қўйилган ҳар бир хаво ва нуқсонини бартараф этиш, партиявий ишнинг таъсирчанлигини ошириш масалаларини унинг қалбидан юл олиши, кўнчилигини аниқлик сифатида масулу киши эканлигини ҳис қилиши зарур. Шундангина партия конференцияси ташкилотнинг қамолот сари борадиган йўлни белгилашда муносиб ролин ўтай олади, бутун кичик, барча бошланғич партия ташкилотларининг иқодиий ғайратини КПСС XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятлик амалга оширишга сафарбар этишда муҳим роль ўйнайди.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Сурхондарё область партия комитетининг кеча бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бosh секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг йўл-йўриқлари асосида капитал қурилишни яқинлаш тадбирларини муҳокама қилдилар. Пленум Сурхондарё область XIX партия конференциясини 1984 йил 7 январда қаириш тўғрисида қарор қабул қилди. (ЎзТАГ).

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

Кейинги кунларда пахта далаларида кечки қўсақларнинг ҳам еппасига очилиши муносабати билан ҳўжаликларда «ЗАНГОРИ КЕМА» ЛАЙКАС, ХИРОМОН ЖОЙЛАР АТРОФИГА, ЭГАТЛАР ОРАЛИГИГА ТЎКИЛГАН ДУРДОНАНИ ТЕЗРОК ТЕРИБ ОЛИНГИ ПЕШОНА ТЕРИ ТЎКИБИ ЕТИШТИРИЛГАН ПАХТАНИНГ БИРОР ЧАНОФИ ҲАМ ЕРДА ҚОЛМАСИНИ

ҚАДРЛИ ДАЛА МЕХНАТҚИЛАРИ ВА ҲАШАРЧИ ЎРТОҚЛАРИ ПАХТА НО-БУДГАРЧИЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИНГИ ЧАНОҚЛАРДА ҚОЛГАН, ЙУЛ-ЙУЛКАЛАРДА, ХИРОМОН ЖОЙЛАР АТРОФИГА, ЭГАТЛАР ОРАЛИГИГА ТЎКИЛГАН ДУРДОНАНИ ТЕЗРОК ТЕРИБ ОЛИНГИ ПЕШОНА ТЕРИ ТЎКИБИ ЕТИШТИРИЛГАН ПАХТАНИНГ БИРОР ЧАНОФИ ҲАМ ЕРДА ҚОЛМАСИНИ

ШАҲАРЛИК ЕРДАМЧИЛАР, СТУДЕНТ ВА ЎҚУВЧИЛАР, ПАРТИЯ ВА МЕХНАТ ВЕТЕРАНЛАРИ, АЗИЗ ОТАХОНЛАР ВА ОНАХОНЛАРИ АЗАМАТ ПАХТАКОРЛАРИМИЗГА АМАЛИЙ ЕРДАМЧИЛИКНИ АЙМАНГИ «ҚУПДАН КҮЕН ҚОЧИБ ҚУТУЛМАС» ДЕГАНЛАРИДЕК, ҲАММАМИЗ БИР ЖОН, БИР ТАН БЎЛИБ, ЗАРБДОРЛАРЧА ҲАРАКАТ ҚИЛСАК, 6 МИЛЛИОН ТОННАЛИК МАРРАНИ ҲАМ ТЕЗ КУНДА ЭГАЛЛАЙМИЗ.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАРИ ҲАММА ЖОЙДА ЗҲР УШОҚОҚЛИК БЎЛИШИГА ЭРИШАЙЛИК. ҲОСИЛ ТАҚДИРИ, РЕПУБЛИКАМИЗНИНГ ЮКСАК СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ ТАҚДИРИ СИЗЛАРНИНГ ҚЎЛИНГИЗДА ЭКАНЛИНИ УНУТМАНГИ ПАРТИЯМИЗ, ХАЛҚИМИЗ ОЛДИДА БЕРГАН СЎЗИМИЗНИНГ УСТИДАН ЧИКИШ, ВАҲДАГА ВАФО ҚИЛИШ УЧУН СУРЪАТНИ ОШИРИНГИ

ИЛГОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Касаба союзулари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети тола ишлаб чиқариш ва пахта ни сифатли қайта ишлаш юзасидан пахта заводлари ўртасида социалистик мусобақанинг шу йил ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигидаги яқунларини кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзулари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи Мавнит пахта заводига (иккинчи ўрни) қолдирилди. Бу завод тола ишлаб чиқариш планини 116 процент бажарди, тола ажратиб олиш планини 150 процент бажарди, тола ажратиб олиш планини 0,3 процент ошириб едо этган, 18 тонна пахта ни тежамли, ишлаб чиқаришда чиқитини 0,2 процент камайтирган, пахтанинг пастрок навли толага ўтишига йўл қўймаган ва пландан ташқари 5 минг сўм фойда олган. Байроқ Пахтакор пахта заводидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзулари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи Мавнит пахта заводига (иккинчи ўрни) қолдирилди. Бу завод тола ишлаб чиқариш планини 116 процент бажарди, тола ажратиб олиш планини 150 процент бажарди, тола ажратиб олиш планини 0,3 процент ошириб едо этган, 18 тонна пахта ни тежамли, ишлаб чиқаришда чиқитини 0,2 процент камайтирган, пахтанинг пастрок навли толага ўтишига йўл қўймаган ва пландан ташқари 10 минг сўм фойда олган. Байроқ Пахтакор пахта заводидан олиб берилади.

«Оқ олтин» хирмонига

Республика обласларида пахта тайёрлашининг бориши тўғрисида шу йил 15 ноябрда бўлган МА Ъ Л У М О Т

(Планга яқисбатан процент ҳисобида) Биринчи усту — обласлар; иккинчи усту — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи усту — мавсум бошдан бўён; тўртинчи усту — шу жулмадан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи усту — мавсум бошдан бўён.

ҚОРАЗМ	0,26	105,67	0,32	59,85
ҚАССАР	0,38	103,95	0,28	71,16
ТОШКЕНТ	0,51	100,89	0,47	85,96
Бухоро	0,67	90,34	0,01	8,19
Қашқадарё	0,82	87,19	1,14	59,58
Навоий	0,83	86,16	0,58	30,42
Самарқанд	1,06	85,23	0,97	45,55
Фарғона	0,79	82,10	0,02	8,88
Андижон	0,80	80,78	0,23	24,09
Сурхондарё	0,82	79,92	0,25	41,00
Наманган	0,80	79,36	0,18	47,52
Сирдарё	0,53	77,26	0,05	60,14
Жиззах	0,58	76,21	0,07	60,88

Республика бўйича:	0,70	86,65	0,36	46,72
Шу жулмадан ингичка толали пахта				
НАВОЙ	1,93	138,77	3,19	83,99
СУРХОНДАРЕ	1,20	115,89	0,34	73,92
ҚАШҚАДАРЕ	1,09	111,02	1,19	73,43
Бухоро	1,12	98,76	—	—
Наманган	1,42	71,44	—	—
Республика бўйича:	1,19	113,73	0,70	69,31

КОМИССИЯНИНГ МАЖЛИСИ

14 ноябрда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко раислигида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг умумий таълим мактабини ва ҳунар-техника таълим системасини ислоҳ қилиш билан шуғулланувчи комиссияси мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги тақлифлар муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зияяни ахборот берди. Министрлик ва идораларнинг, СССР Фанлар академиясининг раҳбарлари муҳокамада қатнашдилар. Мажлис охирида К. У. Черненко нутқ сўзлади. Комиссия ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алвев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, Сиёсий бюро аъзоллигига қандилат, СССР маданият министри П. Н. Демичев, Сиёсий бюро аъзоллигига қандилат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Куненцов, КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капотов, Н. И. Рижков иштирок этидилар.



БУРЧГА САДОҚАТ

Машраб Раҳимқуловнинг ҳаётида тантавали, шодиёна кунлар жуда кўп бўлган. Партияга қабул қилинган, фарзанд кўрган, Социалистик Меҳнат Қаҳрамини олтин юлдузи ва Ленин орденни кўчига таққан кунлари шундай бўлган эди. Яқинда меҳнат ветерани ҳаётида яна бир шодиёна содири бўлди: у 1983 йилги СССР Давлат мукофоти лауреати бўлди. «Ферганаводстрой» трести 5-қурилиш-монтаж бошқармаси катта машинистининг фидокорона меҳнати ана шундай юксак баҳоланди. Бурча садоқат... Машраб Раҳимқуловнинг ҳаёт йўли бош мазмунини ана шу сўзлар ташкил этади. У қарда меҳнат қилмасин, доимо ўз касбинин ардоқлади, унга содиқ қолди. Ҳаётининг коллективни аса доимо зафарга чорлади. Ҳаётининг воқеалар эсланса, қалин бир дафтар саҳифалари тўлиши мумкин. Унинг ҳаёт йўли 1950 йилда, ҳарбий гимназиянинг гражданик кустомига, ҳарбий машина — танкии экскаваторга алмаштирилган кундан бошланди... Фарғона диёри қиёфасини ўзгарттириш, Марказий Фарғона чўллариини тулғалаш айлантиришда Машраб аянининг муносиб ҳиссаси бор. У 30 йилдан кўпроқ вақт

ичида ўз ҳаммасилари билан бир тай, бир жон бўлиб Янубий Фарғона каналини реконструкция қилишда. Ачинчибу коллекторини очтишда. Қарқанд сув ombори қурилишида, Марказий Фарғонанин бўм-бўш ерларини суғоришда механизатор бўлиб ишлади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бултур республикамиз бир группа мелiorаторларининг Ноҳоратупроқ зонани ўлаштириш ҳақидаги ташаббусларини маъқуллади. Бу илгор мелiorаторлар Россиянинг Ноҳоратупроқ ўлкасини бус-тонга айлантириши ўз олди-ларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Ҳаёт синовида дадил ўта олган Раҳимқулов ҳам муътабар ишдан четда қолмади. Бритадаси аъзолари йнғиб, маслаҳатлашди. Қўнгиллар қаторида Владимир областига жўнаб кетишга қарор қилди. Бу областининг Гусь-Хрустальный районидаги «16 лет Октябрю» колхозин ерларини мелiorациялаш ишлари М. Раҳимқулов бошчилигидаги бригадага топширилди. Пиллик тошириқ 6 ойда бажариб бўлинди. Зиммага олинган юксак ваъда бажарилди. 14 миллион кубометр чамаси ер сурилди, 400 километр узунликдаги канал очилди — бу М. Раҳимқулов бошчилигидаги бригадининг 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида бажарган ишлари натижасидир. Экскаваторларнинг ҳаммаси ўз касбининг моҳир усталари-дир. Унумдорлигини ошириш, ёнилғи-мойлаш материалларини тежаш, 2-3 касбини эгаллаш бригадининг широгига айланган. «Ун биринчи беш йилликда ун йиллик нормани бажармади!» — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати М. Раҳимқулов бригадаси аъзаларининг аҳди ана шундай. Орден ва ишончларга қўни тўла, экскаваторлар устозин М. Раҳимқуловга катта парвозлар тўлайми. Суратда: 1983 йилги СССР Давлат мукофоти лауреати Машраб Раҳимқулов. Ш. Алимов фотоси. (ЎзТАГ).

Республика мамбуот маркази хабар қилади

15 НОЯБРЬ ЭРТАЛАБИГА ҚАДАР РЕПУБЛИКАМИЗДА 5138054 ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. УТГАН КҮНИ 41147 ТОННА ХОМ АШЕ ТОПИШИРЛДИ. МАВСУМ БОШИДАН БЕРИ МАШИНАЛАР БУНИКЕРИДАН 1843178 ТОННА ХОМ АШЕ БУШАТИЛДИ.

ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

ҚАРШИ райони меҳнатқиллари обласда биринчи бўлиб йиллик плани бажарди. Она-Ватан хирмонига 43800 тонна «оқ олтин» топширилди. Шунинг 27 минг тоннаси «зангори кемалар» бункеридан тўқилди. Пландига 11500 тонна ўрнига 18500 тонна ингичка толали пахта тайёрланиб, бу борадаги таъйирлик ҳам ортинги билан удаланди.

Район миришкорлари ўз икониятларини чамалаб, ялли хирмони 47 минг тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

РАПОРТЛАР ОҚИМИ

УЛЬЯНОВ районидagi ДЗЕРЖИНСКИЙ номили совхоз пахтакорлари зафар маррасини эгалладилар. Давлатга топширилган 5050 тонна юқори сифатли хом ашенин 4150 тоннасини илпак пахта ташкил этиди. Совхоз аъзолари қабул пунктларига яна 500 тонна пахта топшириш учун термини қизғин давом эттиришмоқда.

ХАТИРЧИ районидagi КУЙБИШЕВ номили совхоз миришкорлари ғалаба рапортига имзо қечдилар. Ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Давлатга 6565 тонна «оқ олтин» сотилди. Колхоз зарушослари ҳосилдорлигини 40 центрга етказиш учун курашмоқдалар.

ҚАРШИ райони меҳнатқиллари обласда биринчи бўлиб йиллик плани бажарди. Она-Ватан хирмонига 43800 тонна «оқ олтин» топширилди. Шунинг 27 минг тоннаси «зангори кемалар» бункеридан тўқилди. Пландига 11500 тонна ўрнига 18500 тонна ингичка толали пахта тайёрланиб, бу борадаги таъйирлик ҳам ортинги билан удаланди.

Район миришкорлари ўз икониятларини чамалаб, ялли хирмони 47 минг тоннага етказиш мажбуриятини олдилар.

УЛЬЯНОВ районидagi ДЗЕРЖИНСКИЙ номили совхоз пахтакорлари зафар маррасини эгалладилар. Давлатга топширилган 5050 тонна юқори сифатли хом ашенин 4150 тоннасини илпак пахта ташкил этиди. Совхоз аъзолари қабул пунктларига яна 500 тонна пахта топшириш учун термини қизғин давом эттиришмоқда.

КРЕМЛДА СУҲБАТ

15 ноябрь кунин СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов ГФР экономика федерал министри О. Ламбсдорф Кремлда қабул қилди. О. Ламбсдорф СССР билан ГФР иқтисодий ҳамда илмий-техника ҳамкорлиги комиссиясининг XII сессияси муносабати билан Совет Иттифоқига келган эди.

Суҳбатда Совет — Фарбий Германия муносабатларида доир масалалар, шунингдек баъзи ақтуал халқаро проблемалар тўғрисида гап борди.

Н. А. Тихонов шунин таъкидладики, иккала мамлакат раҳбарларининг июль ойида Москвада ўтказилган олий даражадаги музокаралари чоғида қайд этилганидек, СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатлари Москва шартномаси асосида, шу жулмадан иқтисодий алоқаларини кенгайтириш соҳасида ҳам жадал ривожлантириш учун объектив шарт-шароитлар мавжуддир. СССР билан ГФР иқтисодий ҳамда илмий-техника ҳамкорлиги комиссиясининг навбатдаги сессияси ҳам бунин яна бир бор тасдиқлади.

О. Ламбсдорф комиссиянинг ишидан мамуният изҳор этиб, СССР билан ГФР ўртасида экономика, фан ва техника соҳасида ҳам томонлама алоқаларини янада ривожлантириш керак деган фикрин билдирди.

Н. А. Тихонов КПСС Марказий Комитети Бosh секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов нутқларида баён этилган совет тинчлик ташаббусларига федерал министрнинг эътиборини жалб қилди. Бу ташаббуслар Европада тинчликни сақлаб қолишга, янор уруши хавфининг олдини олишга, халқаро муносабатларини нормал ўзига қайтаришга қаратилгандир. Олинси қўлазовчи шу тақлифларга кичкинчи томон оқилона ёндашган тақдирда Женевадаги музокараларда одилона битимнинг реал йўлини очиб беради. Совет Иттифоқи Американин ракеталарини Европада joyлаштирилмаслиги шартин билан музокараларини ва ўзёро мақбул қарорларини излашда давом эттириш тарафдоридир.

Суҳбат ишчанлик вазиятида ўтди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Катта Фарғона каналдан фойдаланиш бошқармасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Фахриддин Шамсидиновини 1983 йил 15 ноябрда 76 ёшида тўсатдан рафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади. ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ПАХТАНИНГ БИР ЧАНОҒИ ҲАМ ЕРДА ҚОЛМАСИН

ХАЛҚ КОНТРОЛИ САҲИФАСИ

Х О С И Л ПОСБОНЛАРИ

ФАОЛИЯТИМИЗ САМАРАДОРЛИГИ

ҲАР ТОЛАСИ ҲИСОБДА

Шу доллар даламларда йиғим-терим суръатини ошириш, пахтанинг юксак сифатли ва саноатбон бўлишини таъминлашда пахта заводлари ва пунктлари коллективлари, хусусан шу жойлардаги халқ назоратчилари фаолияти катта аҳамиятга эга. Мухбиримиз шу муносабат билан Пискент пахта заводи халқ контроли беш гуруҳларини Убайдулла Абдурахимов билан халқ мулкчи посбонлари айни кунларда олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлашдик.

— Ун биринчи беш йилнинг учинчи йилида корхонамиз зиммасига маъсуллик вазирига юкланган, — деди У. Абдурахимов. Бу йил ўтган йилгагина нисбатан анча кўп — 55 минг тонна пахтани қайта ишлаб беришимиз лозим. Айни вақтда пахта пунктларида «оқ олтин»ни уюшқоқлик билан қабул қилиб олиш, уни бунтлаш ва яхши сақлашни таъминлаш керак.

Албатта, корхонамиз муваффақиятида зиммаларида жамоатчилик тошмирига ишонган адо этаётган 60 га яқин халқ мулкчи посбонларининг муносиб ҳиссаси бор. Саниқта цех халқ контроли гуруҳи, заводда қарашли пахта пунктларида иш олиб бораётган муваққат гуруҳлар корхона олдига турган вазибаларнинг муваффақиятини уқданишига аниқдан кўмаклашмоқдалар.

Назоратчиларимиз янги ҳосил мавсумини зарур қўллаш ва кўнжмага эга бўлган ҳолда кутиб олганликларини таъкидламоқчиман. Йиғим-терим бошланиши олдидан халқ назоратчиларининг семинари ўтказилди. Корхонамизнинг барча назоратчилари, қолхоз ҳамда совхозларнинг гуруҳи раислари ҳамда пахтани қабул пунктларига етказиб бериш ва сифатини белгилаш билан боғлиқ ишларни адо этадиган кишилар иштирок этаётган семинарда пахта сифатига қўйилган янги талаблар ҳақида атрафлича мулоҳаза юритилди. Мухими семинар қатнашчилари завод лабораториясида бўлиб, пахтанинг ифлосланиш проценти, намлиги ва сортини аниқлаш бўйича амалий машғулотларда қатнашдилар. Семинардан кейинроқ давлат стандарти талаблари бўйича махсус плакат кўп нусхада босиб чиқарилиб, хўжаликлар, барча пахтачилик бригадаларига етказиб берилди.

Назоратчиларимиз бевоқифа иш ўрнида ҳам касбдошлари, умуман корхона ва пунктлар фаолиятини қаттиқ назорат этмоқдалар. Кейинги икки ой ичида бир неча бор текшириш ва оммавий рейдлар ўтказилди.

Кўз қулигини қилмоқда. Ҳаво совуб бораётган. Шунинг учун пахтанинг намлиги ва ифлосланиши халқ мулкчи посбонлари эътиборида. Кейинги кунларда бевосита назоратчиларнинг иштироки туфайли «Пискент» совхозининг биринчи бўлимидаги иккинчи бригадасидан келтирилган бир неча тонна пахта ифлослигини учун қайтариб юборилди. Шунингдек, халқ мулкчи жонқурлари «Партия XXVI съезди» совхози еттинчи бригадасида ҳам ана шундай эътиборсизликка йўл қўйилганини вақтида аниқлади. Лаборатория текшируви такорланганда олиб келинган пахта қабул қилиш учун нолайиқ деб топилди. Натигада ҳар икки хўжаликдан юборилган ҳосилнинг бир қисми қайтадан қуритиб тозаланди.

Еки бошқа бир мисол. Завод қошидаги пахта пунктини текширилганда пахта бунтлашда камчилиги ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги аниқланди. 300 тонналик ўн олтинчи номерли бунтнинг унинг пайтида тоннел қозоғи иш вақтида бажарилмаган. Пётр Шумура, Ҳикоят Саидхужаева, Екатерина Борникова қорғоқ билан бу камчилик бартаф этилмасга катта миқдордаги пахта қизиб қолиб, сифати бузилиши мумкин эди. Уларнинг сезгирлиги туфайли ўша кунлик лонгел қозоғи киритилиб, тоқайдиқнинг олди олинди.

Об-ҳавонинг пасайиши қуритиш цехлари қувватини ошириш масаласини кўч ташкил қўйишда. Бу соҳадagi ишларнинг бориши бевоқифа назоратчиларимизнинг эътиборида. Муротали пахта пунктда иккинчи қуритиш барабани монтаж қилинган пайтда труба танқислигидан иш тўхтаб қолган эди. Назоратчилар бу масалани завод маъмурияти ва партия ташкили олдига қўйишди. Натигада қуритиш ишлари жонланганди, ҳозир янги қуритиш барабани ишга тушиш арафасида турибди.

Халқ мулкчи посбонлари зиммаларидаги жамоатчилик тошмирига ишонган адо этиш билан бирга хизмат вазибаларини ҳам муваффақиятли ўрнатишга қўйилган айтиб ўтиш жоиздир. Қуритувчи Аскархон Ароллонов, оддий ишчи Ҳабибулла Муҳамедов, электрик Александр Северов, тарозибон Людмила Свердлов сингари кўпал халқ мулкчи посбонлари, ишлаб чиқариш илгорлари, социалистик муСОБАҚА пешқадамлари сифатида ҳам кўнчилиқка ибрат кўрсатмоқдалар.

«БИЗ ҲАММАМИЗ ҚАЛБ АМРИ БИЛАН ПАХТАКОРМИЗ. БАС, ШУНДАЙ ЭКАН, ҲАР БИРИМИЗ ТЕРИМЧИЛАР САФИГА УТАЙЛИК. БУРЧ ВА ВИЖ ДОН ҲЕЧ КИМНИ АСОСИЙ ИШИМИЗ. ДАН — МУЛ ҲОСИЛДАН — МУЛ СЎНГИ МИСҚОЛИГАЧА ТЕРИБ ОЛИШДАН ЧЕТДА ҚОЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙДИ».

(Республика партия ва ҳукуматининг Муромбатидан).

Тошкент область Урта Чирчиқ районидagi тажриба пахта заводи халқ назоратчилари махсулот сифатини яхшилаш, иқтисод ва тежамкорлик режими кучайтиришга самарали ёрдам бермоқдалар. Суратда: корхона халқ назоратчиларидан Санобар Нуруллаева, Елена Югова ва Исабек Рамизовлар текшириш пайтида.

В. Молгачев фотоси.

«БИЗ ҲАММАМИЗ ҚАЛБ АМРИ БИЛАН ПАХТАКОРМИЗ. БАС, ШУНДАЙ ЭКАН, ҲАР БИРИМИЗ ТЕРИМЧИЛАР САФИГА УТАЙЛИК. БУРЧ ВА ВИЖ ДОН ҲЕЧ КИМНИ АСОСИЙ ИШИМИЗ. ДАН — МУЛ ҲОСИЛДАН — МУЛ СЎНГИ МИСҚОЛИГАЧА ТЕРИБ ОЛИШДАН ЧЕТДА ҚОЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙДИ».

(Республика партия ва ҳукуматининг Муромбатидан).

Тошкент область Урта Чирчиқ районидagi тажриба пахта заводи халқ назоратчилари махсулот сифатини яхшилаш, иқтисод ва тежамкорлик режими кучайтиришга самарали ёрдам бермоқдалар. Суратда: корхона халқ назоратчиларидан Санобар Нуруллаева, Елена Югова ва Исабек Рамизовлар текшириш пайтида.

В. Молгачев фотоси.



В. Молгачев фотоси.

Бу йил деҳқончилик учун анча оғир келди. Баҳордаги ёғин ва дўллар, ёздаги жазирма иссиқ ва гармселлар, ўзганин ўсиш давридаги ҳароратнинг катта таъсири кўтарилди ҳақини...

Андижон областининг қўриқ Комсомолобод районида ва бошқа баъзи район хўжаликлариди экинларини табиий офат исканжасидан аранг тортиб олишга тўғри келди. Аммо, қишлоқ меҳнатчиларининг жасорати туфайли «оқ олтин»дан, сабзавот, мева-чева ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирилди. Энди буларнинг ҳаммасини нест-нобуд қилмасдан тазроқ йиғиштириб олиш, ташинида исроф бўлмаслигини таъминлаш зарур.

Шу кеча-кундузда Андижон области далаларида 200 мингдан зиёд теримчи ишлапти. «Биз ҳаммамиз ҳозир пахтакоримиз!» деган сўзларининг ватанпарварлик маъносини чуқур аниқлаган назоратчилар ҳам пахта учун курашда фаол иштирок этаётдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг пахта ҳосилини барвақт ва сира ноубуд қилмай йиғиштириб олиш ҳақидаги Муромбатининг назоратчиларимиз ўз фаолиятлари учун муҳим қўллама деб билимоқдалар.

Областимиз бўйича тузилган 3640 та беш гуруҳ, 1107 та пост ва улар атрофида уюшган 40 минга яқин назоратчи йиғим-терим даврида ўз зиммаларидаги маъсулликни жамоатчилик тошмирига адо этишда қатъийлик ва тўта-этирлар. Ҳар бир пост азъоси, ҳар бир назоратчи область партия комитети ва область ижроия комитети пахта йиғим-теримини

уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга оширишда умум иштига жонқур, фидокор кишилар эканликлари амада исботламоқдалар. Улар пахта йиғим-терими жараёнида йўл қўйилган ҳар бир камчиликни дарҳол бартаф олиб, тезда бартаф этаётдилар. Пахтаги хом, ифлос терим, яхши қуритмасдан тайёрлов пунктларига юбориш каби ҳоллар деярли барҳам топаётганининг боиси ҳам шунда.

Шу ўринда баъзи мисолларга тўхталиб ўтмоқчимиз. Сентябрь ойда область халқ контроли комитети Москва райони хўжаликларида теримнинг ташкил этилиши ва ишчи кучидан фойдаланиш юзасидан текшириш ўтказди. Ансарийт хўжаликларида терим қўйилганда текшириш эриштирилган бўлса-да, айрим жойларда ишчи кучидан тўла фойдаланилмаганлиги, иш унуми пастлиги маълум бўлди.

Чунончи, «Москва» колхозда графика белгиланган ишчи кучини теримга сафарбар этиш қўйилганга қарамай, 140 киши сабабисиз теримда қатнашмаганлиги, далага чиқаётган ҳар бир теримчининг иш унуми ўртача 44 килограммдан ортаётганлиги, Х. Солиев бошлиқ 1-бригадада пахтаги ифлос терим наби аҳвол юз бераётганлиги аниқланди. Текширишда 7 та бригадани ишчи кучидан фойдаланиш ёмонлиги, 3 та бригадани ҳар бир теримчининг терган пахтасини 17-19 килограммдан тўғри келганлиги, қишлоқ магазинларида аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсалар, ун, қанд, чой, вазелин ва бошқалар йўқлиги маълум бўлди.

Йўл қўйилган камчиликларга шу жойинг ўзида барҳам берилди. Халқ на-

зоратчилари бу борада айбдор бўлган маъсул кишиларни қолхоз правленисига ва партия комитетига муҳокамасига ҳавола этди. Район партия комитети воқеадан хабардор қилинди.

Ўша текширишлар даврида Киров номили қолхозда ҳам терим яхши ташкил этилмаганлиги, қолхозда маддат бригадаси номинига тузилганлиги, уларнинг тенг ярими теримда қатнашмаётганлиги, қатнашмаётганлари эса 35 килограммдан пахта терафтанлиги каби фактлар очиб ташланди. Далада маданий-маиший шариот, савдо, медицина хизмати қўйилмайдиган эмаслиги қайд этилди. Бу камчиликларга ҳам тезда барҳам берилди. Ҳозир бу хўжаликлар пахта тайёрлаш ва давлатга тоширишда илгорлар қаторига ўтиб олдилар.

Область халқ контроли комитети ходимлари йиғим-теримни муваффақиятли ўтказишга кўмаклашадиган жойлардаги назоратчиларга амалий ёрдам бермоқдалар. Янгида область халқ контроли комитети томонидан Қўрғонтепа районидagi Дардоқ, Чимб пахта тайёрлаш пунктларида ўтказилган текширишлар ҳам сифат масаласига қаратилди. Қабул пунктларида ҳам, қолхоз ва совхозларда ҳам сифат учун кураш қизгин тус олдириб юборилганлиги комитет ходимларининг манун эди. Шу билан бирга маъмур пахта пунктларида пахтага асфальт ёғи илашадиганлиги аниқланди.

Шу райондаги Ленин орденли «Савай» совхоз-техникуми халқ контроли гуруҳи пахта йиғим-терими кампаниясини қисқа муддатда ва намунали ўтказиш, етиштирилган мўл ҳосилни ноубуд қилмасдан сифатли терим олиншини таъминлаш юзасидан аниқ тарбиялар белгилади. Қўрғонтепа-район халқ контро-

ли комитети савайли назоратчиларнинг ташаббуслари маъқуллади. Область халқ контроли комитети ҳам қўйилган бошланган бу ташаббусини қўллаб-қувватлади. Савайликлар бу йил она-Вагага 20 минг 327 тонна «оқ олтин» армуғон этиш, шундан 13600 тоннасини машиналар билан териб олишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар. Белгиланган маррани эгаллаш учун курашда олдинги сафда бораётган 380 нафар назоратчи оммавий рейдлар ва назоратчи бригадаси, йиғим-терим отряди ҳузурда мавсумий назорат постлари ташкил этилди. Улар пахта ноубудгарчилигига ва хом терилишига, унинг далага, йўлга тўқилиши, хирмонда исроф бўлишига қарши кескин кураш олиб бормоқдалар. «Ўткир кўзлар» сатирик деворий газетаси, «Комсомол проектори» ва «Жанголар» варақа-ларда хўжаликда пахта йиғим-теримининг шу кунги аҳвали мунтазам ёритиб боришмоқда.

Йиғим-теримни қисқа муддатларда ва сифатли ўтказиш далада ишлаётганларга қандай маданий-маиший шариот яратилганлиги ҳам боғлиқдир. Шунинг учун назоратчиларимиз дала шийпонларининг жиҳозланиши, механик ҳайдовчилар ва теримчиларнинг иссиқ оқват билан мунтазам таъминлаш юзасидан ҳам назорат ишларини яхши йўлга қўймоқдалар.

Шунга қарамастан, баъзи район ва хўжаликларда пахта учун курашдаги, терим, ташини ва қуритиш пайтида ифлосланишига йўл қўйилмоқда. Бу ҳол аниқ-сана, Балиқчи, Марҳамат, Пахтаобод районлари хўжаликлариди кўзга ташланмоқда. Область халқ контроли комитети ана шу районларда назоратни кучайтиришга қарор қилди.

Халқ назоратчилари шу кеча-кундузда олиб бораётган ишлар кўлими ниҳоятда кенг. Улар бундан бундан ҳам пахта йиғим-теримда фаол иштирок этадилар. Пахтанинг ноубуд бўлишига йўл қўймаслик учун барча имкониятларини ишга солавердилар.

Н. АНДРЮШКОВ, Андижон область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

Халқ контроли комитетларида БУХОРО

△ Шаҳар халқ контроли комитетининг тошмирига мувофиқ текшириш ўтказган республика Молия министрлигининг контрол-ревизия бошқармаси тўқинчилик комбинати ишчи таъминоти бўлимида социалистик мулкни авайлаб-асраш масаласига бағироблик билан қарашларини аниқлади. Жумладан, сабзавот омборида ҳисоб ва ҳисобот ишлари пала-партиш олиб боришмоқда, мева-сабзавот махсулотларини ҳисобдан чиқаришда белгиланган қонун қондалар назорат-писанд қилинмаётган. Айрим харидоригр махсулотлар гоҳо умуман ҳисобга ўтказилмай туриб талон-тороқ этилмоқда. Сабабот омборининг собиқ мудири Д. Яхшиев 32,7 минг сумлик товар-материал камомадига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Текшириш материаллари чора кўриш учун Бухоро шахрининг Тўқимачилик райони маъмурий органларига оширилди.

УРГАНЧ

△ Хоразм область халқ контроли комитети Хива шаҳри ҳамда Ҳазорасп район маиший хизмат курсатини комбинатларида партия ва ҳукуматимизнинг маиший хизмат курсатини соҳасида ўз вазирасини сустизмол қилиш ҳолларига қарши кураш олиб бориш ҳақидаги курсатмалари қандай бажарилаётганлиги юзасидан ўтказилган текшириш ақуларини қараб чиқди. Хива шаҳри комбинатлари ўриндошлик йўли билан ишлашда йўл қўйилган қонунсизликлар туфайли 1100 сум давлат маблағи бехуда ўзлаштирилган. Бу ерда хом ашё материалларини ҳисобдан чиқариш, кўзда тутилган махсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда ҳам хато ва камчиликлар мавजूд. Ҳазорасп маиший хизмат курсатини комбинатларида гоҳо бажарилмаган ишлар охириб қўриштиришга йўл қўйилмоқда. Ҳар икки комбинатда буюртмалар кинтақини адо этишмоқда, буюртмачилар қўлига берилмаган хужжатларда хизмат курсатини муддатли аскарийт ҳолларда қайд этилмайди.

Область халқ контроли комитети иш юритишда ана шундай хато ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги учун Хива шаҳри ва Ҳазорасп райони маиший хизмат курсатини комбинати директорлари И. Нурметов ва Я. Тангрибердиевни тегишлича жазолади.

ФАРҒОНА

△ Область халқ контроли комитети саноат корхоналарида атраф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда тозалаш ишополари ишчи қандай йўлга қўйилганлиги бўйича ўтказилган текшириш натижаларини муҳонага қилди. Белгиланган тадбирлар тўла-тўқис бажарилмаётганлиги, зарарли чиқиндиларнинг маълум қисми очиб ҳаво, сув бассейнларига чиқарилаётганлиги, газ чангларини ушлаб қолладиган қурималар ва сувни тозалайдиган ишополар қурилиши чўзиб юборилаётганлиги қўриштирилди.

Хусусан, Киров пахта фабрикасида кўзда тутилган 80 гектар ўрнига бор-йўғи 5,2 гектар қурилиш майдончаси мавжуд бўлиб, 40 га газ тозалаш қуримасининг қоздан бир қисминини нуқсонсиз ишлайти. Тўқинчилик комбинатининг Риштон, Янгиқўрғон, Кировдаги филиалларида санитария қондаларига етарли роия қилинмаётган. Атраф-муҳитни муҳофаза этишда Фарғона иссиқлик электр станцияси, Қўқон ёғ-мой комбинати ва нон махсулотлари комбинатида жиддий камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Область халқ контроли комитети юрдидаги эътиборсизлик ва лоқайдликлар учун Киров пахта тизич фабрикасини, Қўқон ёғ-мой комбинатини ва нон махсулотлари комбинати бош инженерлари Н. Толстошев, С. Туминцев, В. Комаров ҳамда Фарғона тўқимачилик комбинати директори ўринбосари Р. Хайрудиновларга ҳаёфсан эълон қилди.

БИЗНИНГ КОНСУЛЬТАЦИЯ

Халқ контроли комитетлари касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари корхоналари ва муассасаларида текшириш ўтказиши ва айбдор бўлган мансабдор шахсларни жазога тортиши мумкинми? Халқ контроли саҳифаси почтасига ана шу мазмунда хат-хабарлар келмоқда. Қуйида республика Халқ контроли комитети ташкилий бўлимининг шу хусусда тайёрлаган жавооби эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Маълумки, халқ контроли комитетлари касаба союз ташкилотлари ва унинг раҳбар органларида (касаба союз комитетлари ва советлари) назорат олиб бормайди. Аммо касаба союзлари айрим айрим жамоатчилик ташкилотлари сингари хўжалик фаолияти олиб борадиган (қурилиш, транспорт ташкилотлари, санаторий, дам олиш уйлари, клублар, туристик базалар, босмахоналар ва ҳокказо) ўз корхоналари ва муассасаларига эга. Халқ контроли комитетлари ушбу жойларда текширишлар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиб, камчиликлар ва нуқсонлар, ко-

нунбузарлик, мансабни сунистеъмол қилиш ёки моддий зарар етказиш ҳоллари содир бўлган тақдирда айбдор кишиларга нисбатан СССР Халқ контроли ҳақидаги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ хизмат вазирасидан четлатишгача бўлган жазо чораларини кўриши мумкин. Бу ўринда мансабдор кишиларини ишдан озод этиш ва лавозимини пасайтириш, амалдаги қонун-қондага қарши, тегишли касаба союз органи ёки унинг раҳбари томонидан амалга оширилади.

Пул наҳётлари эса пул наҳётлари ўтказиш ҳақидаги Низомнинг 6-моддасининг таъбир этиш учун ҳамма асослар бўлганда айбдор кишиларга нисбатан қўлланилади. Наҳёт бўйича ушлаб қолинган пул эса жазоланган киши меҳнат қилаётган корхона ёки муассаса қайси касаба союз органи тасарруфда бўлса, шу органи ҳисобига ўтказилади.

Халқ контроли комитетларининг бу ҳуқуқи корхоналар ва муассасаларнинг хўжалик фаолияти юривтаган бошқа жамоатчилик ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан ҳам қўлланилади.



кейинги вақтда белгиланганга нисбатан 20,8 минг тонна кам шағал етказиб берилганлигини қандай баҳолаш мумкин! Айни вақтда ҳайратланария томонини шундаки, бир қатор корхона ва ташкилотларга белгиланганда орттича қурилиш материаллари жўнатиб турилибди. Юмурсот карьеры директори Т. Казиев ўзи хон, қўлақаси майдон қабилида иш тутишига қачон чек қўйилар экан!!

К. МАМБЕТОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

ЛОҚАЙДЛИК

носабатда бўлмоқдалар. Жумладан, райондаги «Правда» қолхозда ўғитлар сақланган оқборлар ва бостирмалар ҳақида қайтарилган киши топилмаётган. Бинолар вақтида ремонт қилинмагандан нурраб, томондан чанка ўтиб эйтира. 3 тонна аммиак селитра ҳамда мағий хлорид фойдаланиш учун яроқсиз аҳволга келганлигининг сабаби ҳам ана шунда.

Қолхоз правленисининг раис ва бош агроном Ф. Қўямов, И. Анвар ўртоқлар бу масалага муносабатини тезда кескин ўзгартиришлари керак.

Т. ҚАМЧЕВ, Сирдарё области.

ҲОЛВА ДЕГАН БИЛАН...

Жиззах районидagi «Партия XXVI съезди» совхози раҳбарлари ишдан кўра гапта кўпроқ зўр берадиган чанқиб қолмоқда. Катта йиғини тантанали раё баландпароз гапларини айтиб юбараётганда, унинг ижроси билан ишлари йўқ. Бу борада халқ назорат-

ҲОЛВА ДЕГАН БИЛАН...

чилари аниқлаган камчиликларга эътибор қилинган. Хўжаликда бу йил сабзавот экинлари киши пили бор-йўғи 70 процентга адо этилган, холос. Устига-устак парвариш сифатсиз ўтказилгани, агротехника тадбирлари керакли мuddатларда амалга оширилмаганлигидан ҳосилдорлик камаяиб кетди. Бодринг, помидор, картошка ва полиз экинларидан ниҳоятда кам ҳосил олинди. Райондаги «Коммунизм» совхозиди ҳам ана шундай аҳвол ҳукм сурмоқда.



НАЗОРАТ ПОЧТАСИДАН

МУНОСИБ ҲИССА

Терим арафасида совхоз назоратчилари мавсум давомидида амалга оширадиган тадбирларнинг плани ишлаб чиқилган эди. Унда асосий эътибор пахта конвейериди узилишга йўл қўймасликка, ҳосилнинг қилграммини ҳам ноубуд қилмай териб олишга, пахтаги юқори сортларга тошмирилишини таъминлашга қаратилди. 16 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасида муваққат постлар ташкил этилди.

Натика бу чора-тадбирлар ижроси кўзланган самарани бераётганлигини кўрсатмоқда. Мисол сифатида мен етакчиллик қилаётган постни олайлик. Постимиз Мавлон Очиллов бошлиқ бригаданида фаолият кўрсатмоқда. Очиллов тажрибали пахтакор. Пахта йилмини пухта билди, коллективга маҳорат билан раҳбарлик қилмоқда. Шунга қарамай терим жараёнида баъзи камчилик ва нуқсонлар рўй бериб турганлигини таъкидлаш керак. Дастлаб эътиборимизни

НАЗОРАТ ПОЧТАСИДАН

МУНОСИБ ҲИССА

Терим арафасида совхоз назоратчилари мавсум давомидида амалга оширадиган тадбирларнинг плани ишлаб чиқилган эди. Унда асосий эътибор пахта конвейериди узилишга йўл қўймасликка, ҳосилнинг қилграммини ҳам ноубуд қилмай териб олишга, пахтаги юқори сортларга тошмирилишини таъминлашга қаратилди. 16 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасида муваққат постлар ташкил этилди.

Натика бу чора-тадбирлар ижроси кўзланган самарани бераётганлигини кўрсатмоқда. Мисол сифатида мен етакчиллик қилаётган постни олайлик. Постимиз Мавлон Очиллов бошлиқ бригаданида фаолият кўрсатмоқда. Очиллов тажрибали пахтакор. Пахта йилмини пухта билди, коллективга маҳорат билан раҳбарлик қилмоқда. Шунга қарамай терим жараёнида баъзи камчилик ва нуқсонлар рўй бериб турганлигини таъкидлаш керак. Дастлаб эътиборимизни

